

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВА ДИЛДОРА СИДИКОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кахарова Дилдора Сидиковна

Умумтаълим мактабларида инклюзив таълимнинг педагогик- психологик
жиҳатларини такомиллаштириш 5

Кахарова Дилдора Сидиковна

Совершенствование педагогико-психологических особенностей
инклюзивного образования в общеобразовательных школах..... 25

Kakharova Dildora Sidikovna

Improving the pedagogical and psychological aspects of inclusive
education in secondary schools 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВА ДИЛДОРА СИДИКОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped366 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Баротов Шариф Рамазонович,**
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мўминова Лола Раҳимовна,**
педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳасанова Кибриё Ҳасановна,
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (+99866) 239-12-29; факс: (+99866) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш, уларнинг жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллашларига кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, “Таълим ҳамма учун” режа-дастури тўғрисидаги Дакар декларацияси ва бошқа халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мақсади ногирон болаларни ҳимоялашга қаратилган бўлиб, таълим жараёнига инклюзив ёндашувни самарали жорий этиш ҳам шулар жумласидандир. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш умумий ўқитиш тизими билан инклюзив таълимни интеграциялаш, ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умумжаҳон миқёсида алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда психологик коррекциялаш методлари, оила, жамоа ва гуруҳларда инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш, технологик кўмаклашувчи воситалар имкониятларини ошириш борасида самарали илмий, илмий-техник, илмий-педагогик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Умумий ўқитиш тизимида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатлари, ногиронлиги бўлган болаларнинг таълимий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ҳуқуқий тенглиги шароитини яратиш, жамият аъзоси сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашга оид муаммолар бу изланишларнинг асосини ташкил этиб, улар ногирон болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва адаптив имкониятларини инобатга олиш, ижтимоий мослашувини технологик таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик тизимини такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгалламоқда.

Мамлакатимизда болаларнинг жисмоний саломатлигини илк ёшидан бошлаб ташхислаш, соғлиқларини доимий назорат қилиш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир боланинг сифатли билим олишларини таъминлашга қаратилган ислохотлар инклюзив таълимни ҳам ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Алоҳида эътиборга муҳтож болаларни умумий таълим жараёнига самарали жалб этиш миллий педагогикада бугун ечимини кутаётган муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ногирон аҳолининг, бошқа эҳтиёжманд тоифаларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада ногирон болаларга таълим-тарбия беришга дунёвий ёндашувларни ўрганиш, улар асосида миллий инклюзив таълим жараёнини ташкил этиш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш технологиялари, мослашув ва мулоқотни ташкил қилишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2705-сонли Қарори, 2017 йил 1 августдаги “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5006-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5270-сонли Фармони ва мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мазкур диссертация ўз мазмун-моҳияти билан қанчалар долзарб аҳамиятга молик эканини намоёиш этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” мавзусидаги устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим муассасаларида алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, оилада ногиронлиги бўлган фарзандни тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, уларнинг нуқсонларини коррекциялаш, шунингдек, нуткий камчилигини ўрганиш ва бартараф этиш муаммолари, уларни касб-ҳунарга йўналтириш масалалари Р.Жўраев, Ш.Қурбонов, М.Ҳақимова, Ғ.Шоумаров, Л.Мўминова, Ҳ.Пулатова, Л. Нурмухамедова, Р. Шомахмудова каби олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган.

МДҲга аъзо мамлакатлар олимлари томонидан ногиронлиги бўлган болалар таълим-тарбияси, уларнинг ақлий, педагогик ва психологик хусусиятлари, мавжуд нуқсонларни коррекциялаш ва инклюзив таълим муаммолари И. Скребева, И. Мамайчук, Л. Косковой, О. Никольская, В. Манова-Томова, Ю. Алёшина, Л. Крижановская, В. Мухина, А. Бодалёв, Е. Баевскаялар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда инклюзив таълим-тарбияни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бирқанча изланишлар, илмий асосланган тадқиқот ишлари бажарилган. Туре Йонссон, Луиз Каллан, Велма Диане, Н.Жангира, К.Майлз, К.Хортон, Р.Фуллер ва Девид Байн каби олимлар олиб борган илмий тадқиқотларнинг ютуқлари ва илгари сурган ғоялари амалиётга татбиқ этилган.

Шу билан бирга миллий педагогикада умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатларини

такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган бўлиб, ўз ечимини кутаётган муҳим муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ЁА-1-9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни такомиллаштиришни педагогик-психологик жиҳатдан асослаш ва бу борада муҳим таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактабларида инклюзив ўқитишнинг мавжуд муаммо ва қийинчиликларини, ташкилий педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, адаптив имкониятларини инобатга олган ҳолда тестлар ва сўровномалар ўтказиш ҳамда, шу асосда, инклюзив таълимга жалб қилинган ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолашларини, мавжуд методлар асосида ижтимоий мослашганлиги (адаптация)ни, айни замонда, мулоқот-киришувчанлик даражасини аниқлаш;

алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий мослашуви жараёни учун педагогик-психологик талаблар (мотивацион, когнитив, фаолиятли, ахборотли) интеграцияси асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш, инклюзив таълим технологияси ва унинг амалий фаолиятини такомиллаштириш моделини яратиш;

алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга инклюзив мослашувини, педагогик-психологик талаблар интеграцияси ва инклюзив таълим фаолиятини такомиллаштириш модели самарадорлигини эксперимент ишлари орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида айрим (Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги) умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилаётган инклюзив таълим жараёни белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети умумтаълим мактабларида инклюзив ўқитишнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари, усуллари ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумтаълим мактабларида инклюзив ўқитиш хусусиятларини очишда педагогик-психологик кузатув, суҳбат, интервью, педагогик тажриба, интерфаол методлар, анкета сўровномалари, тренинг, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим ўқув жараёнининг ташкилий-педагогик тузилмаси инклюзив таълимда кузатиш, назорат, функционаллик категорияларига кўра, фаолиятни такомиллаштиришнинг педагогик-психологик талабларини

(мотивацион, когнитив, фаолиятли, ахборотли) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг ҳаётга инклюзив мослашув босқичлари адаптив компонентлар (кўниқувчанлик, ўз-ўзини баҳолаш, мулоқот, касбга ва фанларга бўлган қизиқиш) кўрсаткичлари ва траекторияси (динамик, узлуксиз, циклик) таҳлилига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

Шарқ мутафаккирларининг ногирон болалар тарбияси, оилада тарбия сифати ва фазилатлари ҳақидаги ғоялари (эътиқод, адолат, мардлик, ватанпарварлик, ирода, дунёқараш, тафаккур) асосида инклюзив таълимнинг қадриятга (инсонпарварлик, ҳурмат-эҳтиром, сабр-тоқат, бирдамлик, саховат қабилар) йўналтирилган муносабат жараёнлари мазмуни очиб берилган;

инклюзив таълимнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришга оид тавсиялар эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (имконияти, қизиқиши, муомаласи, ўз-ўзини ривожлантириши ва кўниқувчанлиги)га кўра, ўқув-тарбия фаолиятини лойиҳалаш тартибини қўллаш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимида алоҳида эътиборга муҳтож болалар учун инклюзив таълимни ташкил этиш ва такомиллаштириш механизми бўйича белгиланган педагогик-психологик ғоялар методик қўлланма сифатида мазкур таълим амалиётига татбиқ этилган;

тадқиқот натижаларидан умумий ўрта мактабларида алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг инклюзив мослашув босқичлари, адаптив компонентлар параметрлари, индивидуал хусусиятларини баҳолаш ва таҳлил қилишга оид таклифлардан соҳага доир методик тавсиялар ишлаб чиқишда, дарс машғулотларини олиб боришда, тажриба-синов ва ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда фойдаланилган;

алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда педагогик-психологик талаблар интеграцияси ва инклюзив таълим фаолиятини такомиллаштиришга оид “Инклюзив таълим” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган, амалий фаолиятга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумтаълим мактабларида инклюзив ўқитишни такомиллаштиришга хос бўлган назарий ёндашувлар ва ғояларнинг республика ҳамда хорижий давлатларда яратилган педагогик илмий тадқиқотларга асосланилганлиги, вазифаларга мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил талабларига мос тушганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: чиқарилган назарий хулосалар, илмий ғоялар умумий ўрта таълим мактабларида инклюзив таълимни такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар кенгайтирилгани ва тўлдирилгани; таълимни интеграциялаш, инклюзив таълим тизимини

такомиллаштириш йўналишлари ва мазмуни бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса илгари сурилган фикрлар, ғоялар, интеграциялашган инклюзив таълимни такомиллаштириш, ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш, ўқитувчилар учун педагогик-психологик тавсиялар ишлаб чиқиш, инклюзив таълим сифатини таъминлашга таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ таълими тизимида алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инклюзив таълимни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим ўқув жараёнининг ташкилий-педагогик тузилмаси, инклюзив таълимда кузатиш, назорат, функционалик категориялари, педагогик-психологик талаблари, алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг ҳаётга инклюзив мослашув босқичлари, адаптив компонентлар кўрсаткичлари ва траекторияси таҳлилига оид таклифлар А1-ХТ-1-33147 рақамли “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни бошқариш сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил, 9 мартдаги 01-02/2-2-84-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимида инклюзив ёндашувни жорий этишнинг илмий асосларини белгилашга асос бўлган;

Шарқ мутафаккирларининг ногирон болалар тарбияси, оилада тарбия сифати ва фазилатлари ҳақидаги ғоялари (этикод, адолат, мардлик, ватанпарварлик, ирода, дунёқараш, тафаккур), инклюзив таълимнинг қадриятга (инсонпарварлик, ҳурмат-эҳтиром, сабр-тоқат, бирдамлик, саховат қабилар) йўналтирилган муносабат жараёнлари мазмунига оид таклифлар асосида “Инклюзив таълим” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил, 9 мартдаги 01-02/2-2-84-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма алоҳида эътиборга муҳтож болаларни инклюзив таълимга жалб этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини очиб бериш ва такомиллаштириш имконини берган;

инклюзив таълимнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришга оид тавсиялари, эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (имконияти, қизиқиши, муомаласи, ўз-ўзини ривожлантириши ва кўникувчанлиги), ўқув-тарбия фаолиятини лойиҳалаш тартибига доир таклифларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курслари, педагогика олий таълим муассасаларида “Ижтимоий психология”, “Махсус педагогика” йўналишларининг назарий мазмунини бойитишда фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашув маркази 2018 йил, 3 декабрдаги № 01/665-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчилар ва бўлажак педагогларда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг ижтимоий мослашуви ва малакали таълим олишлари бўйича билимларини ошириш ва мустаҳкамлаш имконияти ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола эълон қилдирилган бўлиб, улардан 3 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб ва хулосалардан иборат бўлиб жами 153 саҳифани қамраб олган. Ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар ҳам тақдим этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида инклюзив таълимнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида инклюзив таълим алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг тенгдошлари билан бир хил шароитларда ўқиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълим тушунчаси турлича талқин қилинади. Узлуксиз таълим тизими учун эса қуйидаги талқин кўпроқ тўғри келади. Инклюзив таълим – инглизча сўздан олинган бўлиб, *inclusive, inclusion* – уйғунлашмоқ, уйғунлаштирилган, ўзига тортувчи, қамраб олувчи маъноларини, лотинчада эса *includ* – қамраб оламан, жалб қилмоқ, яъни алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ва оддий болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этишдир. Инклюзив таълим – давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган, вояга етаётган ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнига жалб қилишни ифодаловчи таълим тизимидир.

Умумтаълим мактабларда жорий этилган инклюзив таълимнинг мақсади алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг оддий тенгдошлари билан бир хил шароитларда ўқиши, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини бериш, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий

мослашувини енгиллаштириш, ўқувчиларнинг таълим олишлари учун зарурий педагогик-психологик ва коррекцион шароитларни яратишдан иборатдир. Умумтаълим мактабларга оддий болаларнинг барчаси борса, алоҳида эътиборга муҳтож болалар ҳам жалб этилиши керак. Инклюзив таълимнинг оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб йўлга қўйилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу эса болаларнинг кейинчалик атрофдагилар билан мулоқотда бўлишига, ижтимоий муҳит талабларига жавоб бера оладиган ва шу билан бирга, кундалик-маиший эҳтиёжини қондириш кўникмаларини эрта эгаллашларига, ҳаётга мослашиб, умумтаълим мактабларида тенгдошлари қатори дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришига, топшириқларга масъулият билан ёндашиш кўникмасини эгаллашларига кўмаклашади. Умумтаълим мактабларда инклюзив таълим – алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ёки бошқа сабаблар туфайли тарбияси оғир, етим болалар учун мослашувчан, индивидуаллашган ва барча болаларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини берадиган таълим тизимидир. Шунингдек, инклюзив таълим – миллати, ирқи, танасининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши, моддий ва маънавий аҳволи, оиласининг жамиятда тутган ўрни, жисмоний ёки ривожланишда камчилиги бўлишидан қатъи назар барча болаларни тенг кўриш, улардаги ҳар қандай имкониятни қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган таълим ҳисобланади.

Инклюзив мактаб – инклюзив таълим ташкил этилган мактаблар болаларнинг билим олиши шахсий ҳуқуқларини ҳимоялайди. Ўқувчилари турлича, соғлом ва енгил даражада ногирон бўлган, уларнинг барчаларига ҳар бирлари учун ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда тенг шароит яратилган мактабдир.

Инклюзив таълим фаолияти дастури Испаниянинг Саламанка шаҳрида дунёнинг 92 давлати ва 25та халқаро ташкилот вакиллари иштирокида махсус эҳтиёжлар таълими Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган. Унда алоҳида эътиборга муҳтож болалар, ёшлар ва ёши катталарга оддий таълим тизими доирасида таълим бериш зарур ва керак эканлигини тан олган ҳолда, барча учун махсус таълимнинг тамойиллари, ислоҳотлари бўйича “Саламанка баёноти” қабул қилинган. Унда ҳаммага: “Биз барча давлатларни чорлаймиз ва мурожаат қиламиз: инклюзив таълим тамойилини қонун ёки ислоҳот, деб қабул қилинг”,² деб даъват қилинган. Унинг мақсади давлатлар, халқаро ташкилотлар, миллий ёрдам уюшмалари, нодавлат ташкилотлар ва бошқа бўлимларни махсус эҳтиёжлар таълими амалиёти, ислоҳоти ва тамойиллари бўйича баёнотни ҳаётга татбиқ этишнинг ислоҳотлари ва фаолиятлари билан таништиришдир. Дастур Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан ва конференцияда қатнашган давлатлар тажрибалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар чоп этган қўлёзмалар, маслаҳатлар ва турли масалалар ечимлари, айниқса, ногирон шахслар имкониятларини барқарорлаштириш бўйича стандарт қоидалар асосида ишлаб чиқилган. Ҳар

² Туре Йонссон. Инклюзив таълим. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти. Оперейшен Мерси Халқаро ташкилоти, Республика таълим маркази. – Т., 2003.

бир боланинг таълим олиши учун бутунжаҳон “Инсон ҳуқуқлари” декларациясида қабул қилинган ва бутунжаҳон “Таълим барча учун” декларациясида қайта қатъий қайд этилган. Агар талаб этилса, ҳар бир ногирон шахс ўз хоҳишини ўзлаштирган таълимига асосан билдириш ҳуқуқига эга. Ота-оналар болаларининг хоҳиши, ҳолати, эҳтиёжларига мос келувчи таълим шаклини танлаш бўйича маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Инклюзив таълим алоҳида эътиборга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир. Ушбу ишлар оддий, меъёрда ривожланган болалар ўқув муассасаларида амалга оширилади. Буни амалга ошириш учун ҳар бир болага нуқсонидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндашиш, улар учун қулай шароит яратиш керак. Алоҳида эътиборга муҳтож болалар уйига яқин, ўзига қулай оммавий боғча ёки мактабга қатнайди. У ерда асосий ишни тарбиячи ёки синф раҳбари амалга оширади.

Умумтаълим мактабларда инклюзив таълим жараёни ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, шу соҳада ишлайдиган мутасаддилар, ўқитувчилар зиммасига жиддий талаблар қўйилади. Бундай таълимда синф раҳбари, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, касбий маҳорат усталари ёрдам кўрсатиш борасидаги хизматларни бажарадилар. Соғлом болалар билан алоҳида эътиборга муҳтож болалар орасидаги тафовут ўзидаги жисмоний имкониятининг чекланганлиги сабабли ўз тенгдошларига қўшилмаслик, тортинчоқлик, уялган ёки камситилган баъзиларининг эса оилада ҳаддан ташқари авайланганликлари сабабли қайсар, инжиқ бўлиб қолганликлари туфайли юзага келади.

Ҳар бир инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим мактабларда махсус тайёргарликга эга (ресурс) педагог бўлади. Инклюзив таълим ташкил этилган муассасалар нуфузининг қанчалик муҳимлиги, мана шу махсус тайёргарликга эга бўлган ўқитувчиларга боғлиқдир. Чунки, у гуруҳ тарбиячисига маслаҳатлар беради ва кўмаклашади, махсус ўқитиш ускуналари, жиҳозлари билан таъминлайди, ота-оналар, ўқитувчилар билан тушунтириш ишлари ўтказиши, дарс жадвали, дастурга, керак бўлса, ўзгартиришлар киритади, уларни асослаб беради. Шунингдек, шу йўналишда ишлайдиган ўқитувчиларнинг малакасини оширади, билим маҳоратини бойитади, соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил этади, қулай психологик муҳитни яратади. Бу таълим фаолият дастури бирқанча махсус, ҳудудий, босқичли омилларга боғлиқ бўлади. Улар жамият истикболини, эҳтиёжини, ресурс талабларини, мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, инклюзив таълимга жалб қилинган ва алоҳида эътиборга муҳтож болалар таълим-тарбиясини ташкил этишда таълим-тарбияда юқори муваффақиятларга эришишда учрайдиган турли муаммолар болаларнинг индивидуал руҳий кечинмаларининг қанчалик ҳисобга олиниши билан боғлиқ бўлади. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларда ўзига ишонч ҳиссини орттириш, умидсизликка берилишининг олдини олишда ўқитувчи фаолияти ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилиши зарур. Инклюзив таълимда оддий ўқитувчилар тренинги ва

мактабнинг барча учун фаолият кўрсатишини таъминлаш зарур бўлган бошланғич ҳолатни яхшилаш учун ўқитувчилар синфларда барча болаларда жавобгарлик ҳиссини уйғотишлари керак бўлади. Алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларнинг қизиқишларига мос, билим ва қобилиятларига монанд таълим бериш синф хонасида умумий тарзда олиб бориладиган фаолиятдир (1-расм).



1-расм. Инклюзив таълим фаолият дастури.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларга асосланган инклюзив таълим жамиятга ҳам фойдалидир. Бу эса ўз навбатида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болани оддий боғча ёки мактабга жойлаштириш интеграция йўлидаги биринчи қадамдир. Интеграциялашган жамиятда барча тенг ҳуқуқга эга, бу яхлит жамиятдир. Инклюзив таълим туфайли жамият интеграциялашган жамиятга айланади ва барча болалар учун фойдали бўлган самарали педагогика тамойилларини тарғиб этади. Инсонларнинг турли хилда бўлиши нормал ҳолат, деб қабул қилинган ва ўрганиш жараёнининг табиати ва босқичларидан келиб чиқиб, бола мазкур жараён талабларига эмас, балки ушбу жараён бола талабларига мослаштирилиши лозим.

Умумтаълим мактабларда жорий этилган инклюзив таълимда юқорида айтиб ўтилгандек, тайёргарликдан ўтган тажрибали ва малакали ўқитувчилар талаб қилинади. Мана шу мақсад учун турли эҳтиёжларга эга болаларни ўз ичига олувчи тайёрлов дастурларини йўлга қўйиш муҳимдир. Шундай бўлса-да, тайёрлов жуда махсуслаштирилган бўлмаслиги лозим. Инклюзив таълимда ўзлаштиришда қийинчиликлари бўлган болалар мутахассислардан кўра, умумий иш кўрувчи ходимларга муҳтождир. Кўп томонлама алоҳида эътиборга муҳтож бўлган турли муаммолари бор бўлган болалар билан ишловчи ўқитувчиларни тайёрловчи категориялаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Ўқувчиларни ўқишга даъват

этиш учун ўқитувчи муҳим стратегияни ишлаб чиқиши зарур. Ушбу стратегияга асосан ўқувчиларнинг инклюзив таълимга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш орқали махсус дастурлар асосида режа ишлаб чиқиш, самарали методикани яратиш, зарур манбаларни тўғри тақсимлаш асосида эришилади (2-расм).



2-расм. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълим тизими.


Ёшларни замонга мос интеллектуал инсон бўлиб тарбияланишида Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қолдирган меросларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар яратган асарларида ёшлар тарбиясига доир қарашларни келтириб ўтганлар, улар яратган манбалардан даврлар кесимида таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш муҳимдир. Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бола таълим-тарбиясидаги қарашларидан инклюзив таълимни такомиллаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Инклюзив таълим муҳитида нуқсонли болаларнинг заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, қобилиятига қараб машғулотлар олиб борилади. Шунда боланинг жамоада ишлай билиш, ишни ҳамкорликда режалаштириш, фаолият мазмунини бойитиш, маданий-гигиеник кўникмаларни ўзлаштириш каби ижтимоий мослашуви ҳам тезлашади. Ундан яна фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда синфдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга эгаллиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёргарлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Оила ва таълим муассасаларида инклюзив таълимни такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида ёшларни табиатдан, борликдан баҳра оладиган, жамиятга фойда келтирадиган, халқига хизмат қиладиган диёнатли инсон этиб тарбиялаш, келажакда унинг комил инсон бўлиб улғайишига замин бўлиши ёритилган. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг

улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимизда барча зарур моддий ва маънавий шароитлар, ўқув таълим масканлари, барпо этилган. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳимдир. Инклюзив таълимни оиладан сўнг мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув муассасаларида жорий этиш уларнинг ҳаётда муваффақият қозониши учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инклюзив таълим алоҳида эътиборга муҳтож болаларга умумтаълим жараёнидаги барча тадбирларда фаол ва мунтазам иштирок этиш имконини беради. Бунинг натижасида стереотиплар шаклланишининг олди олиниб, кўрсатиладиган индивидуал ёрдам алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни жамиятдан ажратиб қўймайди. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун ишлаб чиқилган ва жамиятга режали асосда жорий этилаётган инклюзив таълим ўқишнинг узлуксиз ва муттасиллигини таъминлайди. Оила – болалар боғчаси – мактаб – касб-ҳунар коллежи – иш билан таъминлаш – ушбу тизим келажакда ота-оналарга алоҳида эътиборга муҳтож болаларини умумтаълим муассасалари ва олий ўқув юртларига бемалол, хавфсирамасдан олиб келишлари учун замин яратади. Энг муҳими, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар жамиятнинг тенг аъзоси эканликларини ҳис қилиб яшайдилар. Шунга мувофиқ умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни психологик-педагогик жиҳатларини ўрганишда инклюзив таълимнинг малака талаблари, фаолиятини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган (3-расм).

Ушбу модел асосида ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўзлаштириш кўрсаткичларини ривожлантириш, уни самарадорлигини ошириш таклиф қилинади. Унда таълим жараёнини сўз орқали ифодалаш, кўргазмали, анимация, видеоларва, ёзма ва техник воситалар ёрдамида тадқиқот қилиниши мумкин. Ўқитиш жараёнида таълим технологияси натижалари унинг барча иштирокчилари ўқитувчи ва ўқувчига тегишли бўлиб “субъект-субъект” муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Шулар асосида ўқитишни ривожлантириш моделида педагогик-психологик жиҳатлар ташхис этилиб, дарс мақсадига эришишда ўқувчининг ижтимоий эҳтиёжини шакллантириш учун ўқув-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, фан дастури асосида ўқитилади. Ўқувчининг билими, кўникма ва малакаси қайта ўзлаштириши ҳамда, яқуний натижалари ва таълим натижаси баҳоланади.

Юртимизда инклюзив таълимни самарали жорий этиш ва ногирон болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг қулай йўллари аниқлаш мақсадида, тадқиқотнинг махсус таълим муассасаларида таълим олаётган алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб этиш имкониятлари, шарт-шароитлари ўрганилди. Махсус педагогик-психологик амалиётда заиф эшитувчи, заиф кўрувчи болаларни, касаллиги енгил даража бўлган алоҳида эътиборга муҳтож болаларни умумтаълим мактабларига оиласининг ихтиёрига кўра, тенгдошлари билан бирга таълим-тарбия олишига, яъни инклюзив таълим олишига жалб этилган.



3-расм. Умумтаълим мактабларда инклюзив таълим (ИТ) фаолиятини такомиллаштириш модели.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларни ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларнинг ногиронлик хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, интеграцион таълим-тарбия, асосан, биринчи ва иккинчи (касаллиги енгил даражали бўлган) ногиронлик белгилари бор болалар орасида яхши натижа беришини унутмаслик керак. Турли нуқсонлари бор бўлган болалар, касаллиги руҳиятига қанчалик сингган ёки алоҳида эътиборга муҳтож болалар ўз ҳолатига қанчалик кўниккан бўлмасин, боланинг алоҳида ўтиш давлари бўладигани, у ўз ҳолатидан айна шу даврларда чуқур руҳий изтироб чекади. Ногиронликни энг оғир ҳис қиладиган давр бола учун балоғат ёшига ўтиш пайтига тўғри келади. Руҳшуносларнинг таҳлилларига қараганда, ҳатто соғлом ёшлар бу пайтда, одатда, ўз тана аъзоларида турли хилдаги камчиликларни, йўқ камчиликларни ҳам тасаввур қилишгача бориб етишади.

Бола жисмида ногиронлик бор экан, бу ҳолат болани анча катта-кичик кечинмаларга олиб келади. Шундай экан, алоҳида эътиборга муҳтож ёшларнинг атрофидаги тарбиявий муҳит ҳамма вақт ҳам яхши, мўътадил бўлиши билан бир вақтда, айниқса, ўтиш даврида алоҳида эътиборда бўлиб, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги керак бу ҳам инклюзив таълим-тарбия ҳисобланади. Алоҳида эътиборга муҳтож болалар тарбиясига эътибор бериладиган яна бир томон шундаки, бу она табиатнинг саҳийлиги билан боғлиқ бўлган ҳол, яъни бундай болаларда бирон камчилик иккинчи бир фазилатнинг, хусусиятнинг кучлироқ намоён бўлишидир. Кўзи заифларда эшитиши ва хотира кучли бўлиши, бирон-бир жисмоний камчилиги бор шахсларда тиришқоқликнинг кучли бўлиши ва бошқалар. Демак, айна шу ҳолат ногирон болаларни тарбия қилишда кўздан қочирилмаса, улардаги жисмоний ва руҳий камчилик ўз ўрнида бошқа томон билан тўлдирилади. Айна шу ҳол уларнинг тарбиясида кенгроқ қўлланилса, тарбияда яхши натижаларга эришилади. Ногирон болаларнинг қайси меҳнатга қобилятлари кучли бўлса, ўша фаолият билан кенгроқ шуғулланишига шароит яратиш уларнинг таълим-тарбиясида асосий ўрин тутмоғи лозим.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг тарбия жараёни қанчалик қийин кечишини уларнинг хатти-ҳаракатига адекват, мутаносиб тарбиявий тадбир топиб қўллаш, махсус мутахассис тайергарлиги бўлмаган тарбиячига бериш тарбия жараёнини жиддий машаққатга айлантириб қўйиши мумкин. Масалан, ақлий хусусиятида жиззакилик, чайирлик, хархашага мойиллик, бир сўз билан айтганда, асабий нуқсон бор ногиронга бирор ахлоқ ёки одоб нормаларини сингдириш у ёқда турсин, унга ушбу нормаларни эслатиш, айтишнинг ўзи жиддий жанжалга, хархашага олиб келиши мумкин. Одатда, бундай хусусиятли болалар ўз қувватидаги хавфсизлик нуқсонини билмаган ҳолда одамларнинг назарида, гуруҳнинг диққат марказида бўлишни яхши кўради.

Айна шу ҳаракатлари билан улар ўз шахсларини биринчи ўринга кўтариб кўрсатишга доим уриниб юришади. Ақлий жиҳатдан бошқалардан


устун бўлмаслигига қарамасдан, тенгдошлари устидан ҳукмронлик қилиш, уларга буйруқ беришни ёқтиради. Натижада улар орасида кўпгина жанжаллар, норозиликлар хулқ, ахлоқ ва характерларининг номутаносиблигидан келиб чиқади. Аини шу ҳолларни инобатга олган ҳолда бундай алоҳида эътиборга муҳтож болалар тарбияси, соғлом болаларга нисбатан интеграцион ва дифференциаллашган ҳолда фарқ қилмоғи керак.

Умумтаълим мактабларда инклюзив таълимнинг педагогик-психологик фаолиятни такомиллаштиришда, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ва оддий ўқувчилар орасидаги муносабат, мулоқотчанлик, мослашувчанлик, шунингдек, жалб этилган ўқувчилар касаллик ташхисларидан келиб чиқиб, турли коррекцион педагогик-психологик методларни доимий олиб бориш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради. Булар инклюзив таълим-тарбия тизимининг сифат-самарадорлигини оширишда, интеграциясида етарли даражада хизмат қилади. Бу жараёнда болаларни руҳий ҳолат, кечинмалари таҳлил қилинади.

Умумтаълим мактабларда инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштиришда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун энг муҳим хусусият уларда маънавий жиҳатдан камолотга интилишнинг кучайишидир. Чунки воқеликка, кишиларга муносабат ҳаётда ўз-ўрнини топишга интилиши чуқур ички мотивация орқали содир бўлади. Уларнинг фанлар ва касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини ўрганиш ўқувчиларнинг таълим муассасаларига келган кунлариданоқ бошланади. Масалан, касблар ҳақидаги фикрларни улар онгига сингдириб, ота-оналари, яқин кишилари ким бўлиб ишлашлари ҳақида қизиқарли суҳбатлар, методикалар, тренинглар ўтказилди.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўқувчиларнинг ўзи қизиққан фани, қандай касбларга мойилликлари мавжудлигини аниқлаш мақсадида, фойдаланиши қулайлиги билан характерланиб келаётган методикалардан фойдаланиб, “Қизиқишлар анкетаси”, “Дифференциал диагностик сўровнома” (ДДС) ўтказилди. Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг ўзи қизиққан соҳаси бўйича амалий ишларга фаол киришишлари, уларнинг қизиқишлари мойилликка айланганлигидан далолат беради.

Алоҳида эътиборга муҳтож, ногиронлиги енгил ва ўрта даражада бўлган ихтисослашган махсус мактаб-интернатларда ўтказилган тажрибаларга 2383 нафар ўқувчи жалб этилган бўлиб психологик ташхис қўйиш методикасидан фойдаланилди. Натижаларга кўра, ўқувчилар кимё, математика, инглиз тили, меҳнат, она тили, информатика фанларига қизиқишлари юқорилиги ҳамда касб-ҳунар коллежларини танлашда тиббиёт, педагогика, саноат ва транспорт йўналишларида ўқишни давом эттиришга кўп истак билдирганлар. Тадқиқ этилган инклюзив таълимнинг самараси ўқувчиларнинг кимё, инглиз тили, информатика, меҳнат, математика, она тили фанларини ўқишга бўлган қизиқишлари юқори эканлигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Ўқувчиларнинг фанларни ўқишга бўлган кизиқишлари.

